VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

26 (243) ● 2013 йил 10 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Оилавий бизнес, айниқса, аҳолининг ҳунармандчилик, заргарлик ва каштачиликка бўлган эҳтиёжларини таъминлашда қўл келмоқда.



5 МАЪНАВИЯТ

Гимнастиканинг энг асосий сифати — бу кучли ирода, эпчил ва нафис ҳаракатлар намойишидир.




6 ЖАРАЁН

Нон — азиз. Уни эъзозлаш, ушоғини ҳам исроф қилмаслик қон-қонимизга, онг-шуримизга сингдирилган.
Нон — кўнгил тўқлиги.



6 ЖАРАЁН

## Хабарлар

### Самарадорлик ошмоқда

**Фарғона вилояти Олтиариқ туманида жойларда маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказишни янада такомиллаштиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Анжуманда ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, миллий анъана ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Семинар иштирокчилари туман маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб уюштирилган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" деган эзгу ғояни ифода этган фестивалда иштирок этди.

### Ислоҳотлар марказида

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида"ги матбуот конференцияси ўтказилди.**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг бош директори Омонилла Юнусов сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда ва ҳужжатларда фуқаролик жамиятини шакллантиришда, мамлакатни модернизациялаш жараёнларида, қатор ислоҳотларда ОАВ ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Анжуманда бугунги глобаллашув шароитида ОАВ фаолияти билан боғлиқ бир қатор лойиҳаларда аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини халқаро андозаларга мос ҳолда янада тўлароқ қондириш кераклиги ҳақида сўз борди.

### Мустақил ҳаётга йўлланма

**Жиззах шаҳар ҳуқуқшунослик касб-ҳунар коллежида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Маросимда таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгалари бўлиб вояга етиши йўлида улкан имкониятлар яратаётгани таъкидланди. Жиззах вилоятидаги нуфузли ўрта махсус ўқув юртларидан бири бўлган мазкур коллежни жорий йилда 477 нафар ёш мутахассис битириб чиқмоқда. Бу йил вилоятдаги 75 касб-ҳунар коллежини 66 мутахассислик бўйича ўн саккиз минг нафардан зиёд ёш мутахассис битирди. Айни кунларда барча таълим муассасаларида ёш мутахассисларга диплом топширилиб, уларни мустақил ҳаётга кузатишга бағишланган тантанали тадбирлар давом этаётир.

## Ташаббус ва натижа



*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "Устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашишни ўзининг долзарб вазифаларидан деб ҳисоблайди.*

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

# Ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш

**ЎзМТДП депутатлари эътиборида**

*Юртимизда азалдан миллий ҳунармандчилик турлари кенг равнақ топиб, уста ҳунармандлар қўлида сайқал топган миллий маҳсулотлар санъат асари даражасида дунё сайёҳларининг эътиборини тортиб келган.*

Айниқса, мустақиллик йилларида мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, уста-ҳунармандлар фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд уюшмаси" ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур уюшма аъзоларининг сафи тобора кенгайиб, қадриятларимиз давомчилари фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ҳам ортиб бормоқда.

2-бет

## Партия дастури — амалда

# Илғор тажриба

**партия фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси ҳамда партия Бухоро вилоят Кенгаши томонидан халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан сессия кун тартибига олиб чиқилган масалалар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида "Тарихий меросимизни тарғиб қилишда туризмнинг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Бухоро вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар, туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда вилоятдаги тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.*

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар томонидан сессиялар кун тартибига киритилаётган масалалар ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларига мос келишини таъминлаш фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, миллий қадрият ва тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда уни тарғиб қилишда замонавий усул ва тажрибалардан фойдаланиш, ҳудудларда туризмни ривожлантириш масаласининг жойлардаги аҳволи ва бу борадаги мавжуд муаммо ҳамда уларнинг ечимига эътибор қаратиш лозим, - деди нотиқ. — Бунда депутат ташаббуси, уларнинг қабул қилинган қонун ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишдаги фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, депутат жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, уларни тегишли давлат ҳокимияти органларига етказиш ҳамда мазкур масалаларни ечишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлайди. Агар шу жараёнда қонунларнинг қандайдир шаклда бузилиши, ижроси суст олиб борилаётгани аниқланса, ушбу ҳолат юзасидан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

2-бет

## Ҳамкорлик

# Касаначилик ва оилавий тадбиркорлик

**субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш ва яқиндан таништириш мақсадида «BankExpo-2013» миллий кўргазмаси ўтказилди**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳаси ва туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада партия Марказий Кенгаши томонидан марказда ва жойларда турли тадбир, семинар, кўргазма ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.*

Қарши шаҳрида ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида «BankExpo-2013» миллий кўргазмаси ташкил этилди. Унда партия Қашқадарё вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, республикада фаолият юритаётган тижорат банклари, етакчи суғурта компаниялари, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси ҳамда ахборот технологиялари компаниялари масъул ходимлари қатнашди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.

4-бет

## Ҳуқуқий эксперимент

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ҳамкорликда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги: илмий-назарий асослар ва халқаро тажриба" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этди.*

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

**фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари ва халқаро тажриба муҳокама қилинди**

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ташаббус ва натижа

# Ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш

**ЎзМТДП депутатлари эътиборида**



(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Зеро, партия дастурий мақсадларида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда ҳудудий партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлар ўз фаолияти давомида миллий ҳунармандчиликни, "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Нишон туман кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳудудда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида туман кенгаши сессиясига ташаббус-масала билан чиқди. Мазкур ташаббус маъқулланиб, қарор қабул қилинишига эришилди.

— Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида "Устоз-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш партия дастурий мақсадларидан саналади, - дейди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ш.Узоқов. — Депутатлик гуруҳимизнинг ташаббуси ушбу партиявий вазифаларни амалга ошириш ҳамда туманда соҳа тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, ҳудудда миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш, ҳунарманд усталарга янада кенг имконият ва шароитлар яратиб бериш, соҳага ёшларни кенг жалб этиш борасида қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бозорларда ҳунармандлар учун махсус расталар ва дўконлар ажратилиши уларнинг қўл меҳнати маҳсуллари сотилишига ва ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтиришга шароит яратмоқда.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилояти азал-азалдан гиламдўзлик, каштачилик, қуроқчилик, попукчилик, тикувчилик, чопончилик ва кулолчилик сингари миллий ҳунармандчилик турлари ривожланиб келган ҳудудлардан бири саналади. Мустақил тараққиёт йилларида мазкур соҳа янада сайқал топиб, ҳудудда турли йўналишдаги маҳоратли халқ усталари етишиб чиқди. Жумладан, Нишон туманида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тумандаги тижорат банклари томонидан 2013-2015-йилларга белгиланган Инвестиция дастурига асосан "Холиқов Ўктам"хусусий корхонасига 24,0 млн. сўм, "Аманқулова Феруза", "Юлдошева Марҳабо" оилавий тадбиркорларга 33,9 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунингдек, коллеж битирувчиларининг ҳунармандчиликни ривожлантиришга асосланган ташаббуслари маъқулланиб, 3 нафар коллеж битирувчиларига 9 млн.сўм кредит маблағлари ажратилди. Унинг самарали тарзда сарфланиши ҳамда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳудудда 14 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида ҳам бир қатор имтиёзли кредитлар берилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ҳунармандчилик ва касаначиликка кенг жалб этиш ва бу борадаги фаолиятларини қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг филиали томонидан 18 нафар хотин-қизга 515 млн. сўм, ОАТБ "Агробанк" филиали томонидан 25 нафар хотин-қизга 183,6 млн. сўм, давлат тижорат Халқ банки филиали томонидан 25 нафар хотин-қизга 121,2 млн. сўм ва АТБ "Микрокредитбанк" филиали томонидан 16 нафар хотин-қизга 163,4 млн. сўм миқдорида кредит берилди.

Партия дастурий мақсадларида белгиланган "Устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини ривожлантириш борасида ҳам туманда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни миллий ҳунармандчилик турларига жалб этиш мақсадида бир нечта "Устоз-шогирд" мактаблари фаолият юритмоқда. Жумладан, тумандаги Талимаржон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ш.Рустамова раҳбарлигидаги "Истиқлол" ўқув марказида ҳозирга қадар юздан ортиқ хотин-қизлар ўқиб, касб-ҳунар эгаларига айланишди. Ўқув марказида аввалига касаначилик, қубба-зардўзлик, миллий кўринишдаги келинлар либосларини тайёрлаш борасида иш олиб бориларди. Кейинчалик марказ фаолияти кенгайтирилиб, замонавий услубда биссер, парда, эркаклар костюм-шимлари тикилмоқда. Шунингдек, кулинария (турли хил ширинликлар ва тортлар тайёрлаш) ва гўзаллик салони ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бундан ташқари корхона ва ташкилотлар томонидан буюртмалар қабул қилиниб, турли кўринишдаги махсус кийимлар тикиш ҳам йўлга қўйилган. Ўқув маркази томонидан жорий йилда хориждан 10 дона замонавий тикув машиналари ва бошқа зарур жиҳозлар олиб келиш режалаштирилган. Натижада экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни сотиш имконияти яратилади. Ҳар йили 20 нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежи талабалари таълимдан ташқари ушбу марказда тажриба оттириб, ўз фаолиятларини йўлга қўймоқда.

Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш борасида туманда олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатларда ЎзМТДП Нишон туман Кенгаши фаоллари ҳамда халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари фаол иштирок этаётгани партия дастурий мақсадларининг амалда ўз ифодасини топиши ва электорат манфаатларининг ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

***Абдурашид АБРАЕВ,***
***Халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси:***

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия Марказий Кенгаши томонидан ҳудудларда ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича тақдим этилган иш режага мувофиқ, туман кенгаши сессияси кун тартибига киритилган ташаббус-масаламиз юзасидан қарор қабул қилингани соҳада қатор ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Партия электорати бўлган ҳунарманд ва касаначиларнинг фаолияти қўллаб-қувватланиши, уларни жадал суратда ривожлантиришга кўмаклашиш, ёш авлод вакилларининг соҳа ривожидаги ўрни ва фаоллигини таъминлаш зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Партия дастури — амалда




# Илғор тажриба

**партия фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутат ўзининг мазкур ваколатларидан самарали фойдаланиши ўз-ўзидан депутатлик назорати амалга ошишини таъминлайди.

Партия раҳбари депутатлик гуруҳлари томонидан ЎзМТДП дастурий мақсадлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятларини танқидий таҳлил этаркан, жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратди.

— Таҳлилларга кўра, халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 11 та депутатлик сўрови киритилган, доимий комиссияларга 6 та масала олиб чиқилган, 6 та мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган.

Партиядан сайланган депутатлар ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, депутатлик назорати, сайловчилар билан учрашувлар ҳамда турли тадбирларни ўтказиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Аммо, бу депутатлар фаолияти талаб даражасида дегани эмас. Айрим депутатлар фаолиятидаги сусткашликлар сайловчилар ва партия электорати манфаатларининг ифода этилмаслиги, муаммоларнинг ўз ечимини топмаслигига сабаб бўлмоқда. Шу боис, ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлар фаолияти партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали бажариш, электорат манфаатларини ифода этишга қаратилмоғи зарур, - деди партия етакчиси.

Давра суҳбатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан сессия кун тартибига киритилган масалаларнинг кўриб чиқилиши жараёни ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолияти мисолида таҳлил этилди ва тажриба алмашилди.

— Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий ҳамда миллий анъаналарини асраб-авайлаш, илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва уни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Албатта, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлиги бевосита депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигига боғлиқ. Ўрни келганда айтиш жоизки, партия Вобкент туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамкорлигида ЎзМТДП дастурий вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг талаб ва истакларини ифода этувчи ташаббус-масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқиб, уларнинг ижобий ҳал этилаётгани бошқалар учун ўрнак бўлиши лозим.

Эътироф этилганидек, Вобкент Бухоро вилоятидаги ўзига хос тарихга эга бўлган туманлардан биридир. Ҳудудда XII асрга тааллуқли бўлган Вобкент минораси, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний сингари сиймолар қаторида турувчи Анжир Фағнавий мақбараси ва бошқа тарихий-маданий ёдгорликлар бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни ўзига жалб этиб келади. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида қад ростлаган кўплаб иншоотлар, замонавий қиёфадаги таълим масканлари туманнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Ана шундай тарихий аҳамиятга эга ўзгариш ва янгиланишларни Тарих музейига жамлаш ва шу орқали келажак авлодларимизга маданий мерос сифатида қолдириш ва хорижлик сайёҳларга тарғиб қилишда ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббуси муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўз олганлар халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолияти илғор тажриба сифатида оммалаштиришга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

Давра суҳбати сўнгида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи ташаббус-масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаоллигини янада ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

***Нажмиддин ҚИЛИЧЕВ,***
***Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Юртимиз тарихий қадамжоларга бой. Хусусан, қадимий Бухоро заминида қад ростлаган осори атиқалар, тарихий-маданий мерос объектлари, боқийликдан сўзлагувчи обидаларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган. Уларнинг ранг-баранглиги, бир-бирини такрорламаслиги аждодларимизнинг нақадар буюк тафаккур, юксак санъат соҳиби эканликларидан далолат беради.

Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан туман Кенгаши сессиясига ҳудудда тарих музейи ташкил қилиш ташаббуси олиб чиқилди. Бу нафақат ҳудуд аҳолиси учун, балки хориждан келган меҳмонлар учун ҳам янги саёҳат объекти сифатида хизмат қилади. Музейдан тумандаги тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектларининг рангли фотосуратлари, макетлари, қадимий буюм ва ашёлар, тарихий китоб ва қўлёзмалар билан бир қаторда туман аҳолисининг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини акс эттирувчи экспонатлар ҳам ўрин олади.

Давра суҳбатида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи ташаббус-масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаоллигини янада оширишга эътибор қаратилди.

***Шоира АҲМЕДОВА,***
***Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— ЎзМТДП томонидан миллий қадриятларни тиклаш, ёшлар қалбида она Ватанимизга бўлган ҳурмат туйғусини юксалтиришга кўмаклашиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган турли тадбирлар, кўрик-танловлар ҳамда акцияларга кўплаб фуқаролар, ёшлар жалб этилаяпти. Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг олиб бораётган ишлари, айрим муаммолар юзасидан сессияларга киритаётган масалалар ҳамда маҳаллий давлат идоралари раҳбарларига юборилаётган сўровлари ҳамда уларнинг ижобий ечим топаётгани партиямиз хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Буни Вобкент туманида тарих музейи ташкил этиш ташаббуси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Тадбирда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларини кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

Ҳуқуқий эксперимент

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказувчи Ишчи комиссия ва ишчи гуруҳлар аъзолари, хорижий экспертлар, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Конференция ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш назарияси ва халқаро тажрибани муҳокама қилиш, ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларини муҳокама этиш мақсадида ташкил этилди, - деди йиғилишни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Эътироф этиш жоизки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган ташаббусларни рўёбга чиқариш амалиётини бойитади. Яъни ҳуқуқий эксперимент жараёнида Ўзбекистон қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг ноёб тажрибасига эга бўлади. Қолаверса, ҳуқуқий экспериментларни ташкил этишнинг самарали услубларини ҳам ишлаб чиқиш, миллий ҳуқуқ социологияси назарияси ва амалиётини кенгайтириш имконини беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши эксперимент ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни комплекс ва тизимли равишда тартибга солади.

Конференцияда экспертлар томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш амалиёти тўғрисида ахборотлар тақдим этдилар. Ҳуқуқшунос олимлар таъкидлашганидек, эксперимент билан боғлиқ масалаларни фаоллик билан ишлаб чиқиш юридик фанни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий эксперимент мавзуи, шубҳасиз, турли илмий тадқиқотларнинг предметига айланади ва бу, пировард натижада, илмий-амалий билимнинг мазкур услубини амалга ошириш амалиётини ҳам бойитади.

Йиғилишда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазмун моҳияти, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш борасидаги халқаро тажриба, ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш усулларидан фойдаланиш асосида миллий қонун ижодкорлиги тизимини янада такомиллаштиришга оид долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференцияда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш қисмида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга оширишга қаратилган назарий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
26 (243) 2013 йил
10 июль, чоршанба



Баркамол авлод

# Сергелида мусобақа ташкил этилди

***ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида “Спорт — саломатлик гарови” мавзусида баскетбол спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда партия Тошкент шаҳар ва Сергели туман Кенгаши ходимлари, “Гулистон” МФЙ фаоллари, иштирокчи жамоалар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши қошидаги бошланғич ташкилот етакчиси Насиба Камолова бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътибор қаратди.

— Мамлакатимизда соҳа тараққиётига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани натижасида кўплаб маҳоратли ёшлар юзага чиқмоқда, - деди нотиқ. — Бу жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда. Хусусан, туман Кенгашимиз томонидан спорт мактаблари ва клублари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур мусобақа ҳам партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш, ёш авлод вакилларини оммавий спорт тадбирларига кенг жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Баскетбол спорт мусобақасида ёш жамоалар ғолиблик учун ўзаро беллашишди. Қизғин тарзда кечган мусобақалар якунига кўра, биринчи ва иккинчи ўрин Олмалиқнинг иккита жамоасига, учинчи ўрин эса Сергели туман жамоасига насиб қилди. Иштирокчилар ЎзМТДПнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***Барно ҲАМИДОВА,***
***Сергели туман жамоаси аъзоси:***

— Биз ёшлар ҳозирданоқ ўз саломатлигимизни мустаҳкамлаб боришимиз ғоят муҳимдир. Боиси, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Шу маънода мен ҳам ёшлигимдан спорт билан шуғулланиб келаман. ЎзМТДП томонидан ташкил этилган бугунги баскетбол мусобақасида ўз жамоам шарафини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қилдим. Жамоамиз 3-ўринни эгаллаганига қарамай, мусобақа қизғин кечганидан, унда иштирок этганимдан хурсандман.

**Насиба АБДУРАҲМОНОВА,**
**ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси**



# Спортчи қизлар

## ЎзМТДП соврини учун ўзаро беллашди

***Юртимизда азалдан юксак қобилият соҳиблари, олимуфузалолар етишиб чиққан. Айниқса, ҳеч бир алп йигитдан қолишмайдиган Тўмарису Барчинойдек мард хотин-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ҳам аждодлари каби шижоат билан юксак марраларга интилаётган ёшларни кўриб “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур” деган шиорнинг нақадар тўғрилигига яна бир бор амин бўласан киши.***

Истиқлол йилларида юртимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида жойларда спорт муассасалари барпо этилиб, қатор спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Улар зарур жиҳоз ҳамда малакали мураббийлар билан таъминланди. Бу эса спортнинг ҳар бир хонадонга кириб бориши, шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони йилдан-йилга ортишига хизмат қилмоқда. Зеро, спорт билан шуғулланган инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлади. Ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш ЎзМТДП олдидаги доимий ва устувор вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилоят ҳамда Зангиота туман Кенгаши, туман “Маданият ва спорт ишлари” бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши бўлими билан ҳамкорликда “Обод турмуш” йили муносабати билан ўсмир қизлар ўртасида “ЎзМТДП соврини учун” сузиш мусобақаси ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Мунира Қориева қуйидагиларни таъкидлади.

— Мустақиллик шарофати билан юртимиз ёшларини етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ватанпарварлик руҳида камол топишларини таъминлаш, иқтидори ва қобилиятларини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, марказда ва жойларда замонавий болалар спорти иншоотлари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани ўғил-қизларимизни спортга янада кенг жалб этиш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур мусобақа партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратишга кўмаклашиш, оммавий спорт тадбирларига хотин-қизларни кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилди, - деди нотиқ.

Иштирокчилар мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, камолоти ва истиқболига алоҳида эътибор қаратилаётгани, жумладан, ёшлар манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, уларни миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида салмоқли қадамлар ташланганини таъкидлашди. Шунингдек, ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари томонидан дастурий вазифаларни амалга ошириш, хусусан, хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурлиги эътироф этилди.

— Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараси ўлароқ соғлом ва иродали, ўз олдига улкан мақсадларни қўядиган қатъиятли авлод вояга етмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ҳакима Назарова. — Бу борада туманимизда ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Соҳадаги ислоҳотларга кўмаклашиш мақсадида партия туман Кенгашимиз томонидан ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида илгари сурилган устувор вазифалар асосида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида бир қатор тадбирлар, мусобақалар, миллий спорт ўйинлари ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ўсмир қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, ёш маҳоратли спортчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

**Соҳадаги ислоҳотларга кўмаклашиш мақсадида партия туман Кенгашимиз томонидан ҳам ЎзМТДП дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида илгари сурилган устувор вазифалар асосида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида бир қатор тадбирлар, мусобақалар, миллий спорт ўйинлари ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ўсмир қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш, ёш маҳорати спортчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.**

Ҳаяжонли ва қизиқарли кечган беллашув натижаларига кўра биринчи ўрин Чилонзор тумани вакиласи Уриной Қубидиновага насиб этди. Мусобақа сўнггида ғолибларга партия ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари томонидан эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси,**
**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Қуйи бўғинлар фаоллиги

## партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилади

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида кексалар ва болаларга саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини ёшлар онгига чуқур сингдириб бориш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсатни қўллаб-қувватлашга кўмаклаши устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.***

Янгибозор туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қошида ташкил этилган қуйи бўғин партия электоратини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш ва партиявий ғояларни тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиб, партия обрўси ва нуфузининг ошишига ҳисса қўшиб келмоқда.

— ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформаси билан танишгач, унга аъзо бўлишга қарор қилдим, - дейди БПТ етакчиси, Янгибозор туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш гуруҳи раҳбари Санъат Ёқубов. — Чунки партия олдига қўйган ўзликни англаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш ва бойитиш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш каби мақсад ва вазифалар менинг қарашларим билан ҳамоҳангдир. Жамоадошларимдан ҳам кўпчилиги ЎзМТДПга аъзо бўлиш истагини билдирди. Шу тариқа марказ қошида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Ҳозирда қуйи бўғинимизга бирлашган партия аъзолари сони йигирмадан ошди. Марказ биносидан хона ажратилиб, БПТнинг моддий-техник базаси ҳам шакллантирилди. Бунда партия туман Кенгашининг кўмаги катта бўлди.

ЎзМТДП мақсад-вазифалари асосида бир қатор режаларни ўз олдига қўйган мазкур қуйи бўғин фаоллари, энг аввало, касбий вазифалари ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашни кучайтиришга эътибор қаратишди. Шу мақсадда бошланғич партия ташкилоти қошида тарғибот гуруҳи тузилди. Улар жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида мониторинг олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида марказга 1320 нафар фуқаро иш масаласида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлса, уларнинг 1014 нафари иш билан таъминланди. Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида бешта меҳнат ярмаркаси ташкил қилиниб, уларга 894 нафар фуқаро жалб этилди. Бу тадбирларнинг уюшқоқлик билан ташкил қилинишида БПТ аъзолари фаоллик кўрсатдилар.

Қуйи бўғин фаолларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари ёшларни ёт ғоялардан асраш, айниқса, ноқонуний миграция ва одам савдоси қурбонларига айланишдан сақланиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Бунда партия туман Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган қатор тадбир ва учрашувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. “Гиёҳвандлик — умр заволи”, “Одам савдоси қурбонига айланиб қолманг” каби долзарб мавзулардаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари қуйи бўғин томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилаяпти. “Энг улуғ, энг азиз байрам”, “Мустақиллик — қадрқимматимиз, тақдиримиз ва ифтихоримиздир”, “Ўзбекистон — ягона Ватанимиз” мавзуларидаги тарғибот тадбирлари ёшларнинг баркамол ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қошидаги мазкур қуйи бўғин фаоллари ЎзМТДП дастурий мақсадларида белгиланган инсон омилини такомиллаштиришга, кам таъминланган оилаларни ва муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга меҳр-мурувват кўрсатиш сингари миллий қадриятларимизни ўз фаолиятида дастуриламал қилиб олган. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари ташаббуси билан туманда истиқомат қилувчи 12 нафар ёлғиз карияларга, 23 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга белгиланган тартибда ёрдам кўрсатилди, уйларини таъмирлашда, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари олишларида кўмаклашилди.

***Олтиной САПАЕВА,***
***бошланғич партия ташкилоти фаоли:***

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий таянчи ҳисобланади. Аҳоли қатламлари мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёни ва партия фаолиятидан айнан қуйи бўғинлар орқали атрофлича хабардор бўлади. Шу боис мен бошланғич ташкилотимизнинг тарғибот гуруҳида фаолият олиб боришни мақсад қилдим. Тарғибот жараёнларида ЎзМТДП дастурий мақсадлари тарғиботи билан бирга истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, ёшлар келажаги учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар хусусида кенг тушунчалар бериб бораяпмиз. Айниқса, партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни оммавий маданиятнинг салбий оқибатларидан асраш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаларини амалга оширишда тарғибот гуруҳимизнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши матбуот котиби,**
**М.РАМАЗОНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Хроника

# Тарғибот тадбирлари

## оила мустаҳкамлигини таъминлашга бағишланди

### СИРДАРЁ

ЎзМТДП Мирзаобод туман Кенгаши ташаббуси билан “Юксак маънавиятли оила — мустаҳкам жамият ва барқарор давлат таянчидир” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда ёш оила вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. У шундай маконки, унда инсоният насли бардавомлиги таъминланади, бола тарбияси, ёш авлоднинг жамиятга мослашуви амалга оширилади. Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади” дея таъкидлаган. Ота-боболаримиз ҳам қадимдан оилани муқаддас билиб, уни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келган.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида қайд этилганидек, олий қадрият бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, бу борадаги миллий анъаналаримизни ўрганиш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини мунтазам давом эттириш ҳамда оила қуриш олдида турган ёшларга кенг тушунча бериб, моддий-маънавий кўмак беришимиз зарур, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Р.Атаханов. — Жамиятнинг ривожланиши оиладан бошланади. Зеро, комил инсон аввало, оилада тарбия топади, улғаяди. Шу боис соғлом оилавий муҳитни шакллантириш орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Тадбирда сўзга чиққанлар партия сайловолди Платформасида шахс шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланганлиги ҳамда мазкур тадбир партиявий мақсадларнинг амалий ифодаси эканлигини эътироф этишди.

### БУХОРО

— Табиат она сингари муқаддас, меҳрибон ва яратувчи, шу билан бирга сахий ва қудратлидир, - деди ЎзМТДП Жондор туман Кенгаши томонидан “Экология - долзарб масала” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида сўзга чиққан партия туман Кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Шаропов — У инсониятнинг умумий уйи ва масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир. Эътироф этиш жоизки, ЎзМТДП ташкилотлари ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қатор саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида қайд этилганидек, экологик хавфсизликни таъминлаш, бой табиий ресурсларни асраб-авайлаб улардан оқилона фойдаланиш белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, ёшлар ўртасида кўрик-танловлар ташкил этиш партия фаолларига масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар табиатни асраб-авайлаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилгани, глобаллашув жараёнида экологик муаммоларга қарши курашиш, ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Тиббиёт ходимлари, меҳнат фахрийлари, маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари иштирок этган давра суҳбатида бу борада партия томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Қўшкўпир туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда “Гиёҳвандлик — умр заволи” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Бугунги кунда ёшлар онги, ҳаёти, оила ва жамият мустаҳкамлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ҳақида сўз борар экан, уларнинг энг даҳшатлиси бу — гиёҳвандликдир, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Умид Исмоилов. — Бу иллат нафақат муайян мамлакат ёхуд минтақа, балки халқаро миқёсда одамлар саломатлиги ва хавфсизлигига таҳдид солаётгани сир эмас. Зеро, жамият ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол авлод ҳисобига ривожланади, тараққий этади. Аср вабосига айланиб улгурган гиёҳвандлик бугунги кунда дунё миқёсидаги миллионлаб ёшларни ўз домига тортмоқда. Фарзандларимизни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан, оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда уларни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш партия мақсадларида белгилаб қўйилган.

Сўзга чиққан нотиқлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар янги авлод вакилларининг келажагига қаратилгани, талаба-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда уларнинг маънавий билимларини кенгайтириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир сўнггида мавзуга доир видеофильм ва роликлар намойиш этилди.

### НАВОИЙ

ЎзМТДП Зарафшон шаҳар Кенгаши ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар прокуратураси ва “Камолот” ЁИҲ шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида “Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партиянинг “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қаноти” фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, ота-оналар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унда миллий қадрият, анъана ва урф-одатлар, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида маънан етук, жисмонан соғлом ва баркамол фарзандни вояга етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

— Оилаларнинг мустаҳкамлиги фарзандлар саломатлиги бўлажак келин-куёвларнинг никоҳ ёшига амал қилишларига ҳам боғлиқ. Зеро, оила мустаҳкам экан, жамият осойишта, - деди шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси М.Жалилова. — Шу боис фарзандларимизни миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга асосланган ҳолда тарбиялаб, оилавий ҳаётга тайёрлашимиз зарур. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаб, миллий ҳунармандчилик тўгаракларига ҳамда спорт ўйинларига жалб этиш ижобий самара бериши шубҳасиз.

Тадбирда иштирокчиларга “Обод турмуш йили” давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, бундай давра суҳбатларини кенг жамоатчилик иштирокида доимий ўтказиб туришга келишиб олинди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Партия лойиҳаси

# Оқила, доно ва ташаббускор

## хотин-қизлар кашф этилмоқда

***Юртимизда истиқлол йилларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, уларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Бугун ўзбек аёли ўзининг истеъдоди, маҳорати, оқила ва ташаббускорлиги билан ҳар бир соҳа ривожига улкан ҳисса қўшмоқда.***

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Хусусан, ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови ташаббускор, иқтидорли ва фаол хотин-қизларни кашф этишга хизмат қиляпти. Айни пайтда жойларда кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.

Танловнинг Навоий шаҳар босқичида сўзга чиққан ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Шаҳноза Расулова танловнинг мақсад ва вазифаларига тўхталди:

—ЎзМТДП сайловолди Платформасида миллий ривожланиш ғояларига садоқатли, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, шунингдек, партия дастурий вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштириши белгиланган. Партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги энг йирик лойиҳаларидан бўлган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танлови беш йилдирки, мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасидан янги истеъдод эгаларини кашф этиш, партия кадрлар захирасини сиёсий етук хотин-қизлар билан кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътиборлиси, ушбу кўрик-танловнинг ўтган йилги Республика босқичида вилоятимиздан иштирок этган партия фаоли Дилшода Воҳидова фахрли биринчи ўринни қўлга киритган эди. Бу йилги иштирокчиларимиздан ҳам ана шундай натижаларни кутиб қоламиз.

Кўрик-танлов Низомига кўра, иштирокчилар 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Якунда партия фаоли Дилдора Каттаева танлов ғолиби бўлди. Эндиликда бу зукко иштирокчи танловнинг вилоят босқичидаги иштирокчи хотин-қизлар билан ўзаро куч синашади.

* * *

Кўрик-танловнинг Булунғур туман босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда тумандаги фаол хотин-қизлар иштирок этиб, ўз истеъдод ва маҳоратларини, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий саводхонлигини намойиш қилдилар.

— Бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ортиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, - деди ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Х.Маҳкамова. — Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Партия "Аёллар қаноти" томонидан ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишга, шунингдек, улар орасидан сиёсий жиҳатдан етук ва ташаббускор аёлларни кашф этишга хизмат қилиб келаётир.

Иштирокчилар кўрик-танлов шартларини бажариш чоғида ўз ҳудудларини ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратишди. Жумладан, "Агар мен депутат бўлсам" номли шартда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлаш, туманда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида таклифлар ўртага ташланди.

Умумий натижаларга кўра, Гулбаҳор Маматова кўрик-танловнинг туман босқичи ғолиби деб топилди ва вилоят босқичига йўлланма олди.

* * *

— Партия сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институтини ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган, - деди кўрик-танловнинг Фарғона шаҳар босқичини кириш сўзи билан очган ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Рустамжон Раупов. — Маълумки, юксак маънавиятли оиланинг шаклланишида аёлнинг ўрни ва роли муҳим. Шу жиҳатдан партия ташкилотларида хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан юксаклигига хизмат қилувчи тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шундай лойиҳалардан бири "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловидир. Энг асосийси, ушбу танлов воситасида партиямиз сафида ҳар томонлама фаол, ташаббускор, зукко хотин-қизлар сони янада ортмоқда.

Кўрик-танловнинг шаҳар босқичида иштирок этган 7 нафар хотин-қизлар ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини, маҳорати, иқтидори ва ташаббускорлигини намойиш қилишди. Айниқса, иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини синашга қаратилган савол-жавоб шартида улар ўзларининг билим доиралари, дунёқараши қай даража эканлигини кўрсатишди. Умуман, ҳар бир шартда иштирокчи хотин-қизларнинг ташаббускорлиги ва зукколиги яққол намоён бўлди.

Якуний натижалар Мафтуна Яқубованинг ҳар жиҳатдан устунлигини кўрсатди. Ўз билими, идроки, қобилияти ва зукколигини намоён этган Мафтуна кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун тавсия этилди. Танлов сўнгида кўплаб хотин-қизлар партия сафига кириш истагини билдирди.

* * *

Зукко хотин-қизлар кўрик-танловининг Олтинкўл туман босқичида сўзга чиққанлар мазкур танлов ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилганлигини алоҳида эътироф этишди.

Кўрик-танловнинг туман босқичида 5 нафар иштирокчи ўзаро беллашдилар. Улар танлов шартларига мувофиқ ўз билим, маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Иштирокчилар орасида ўзининг ҳаракатчанлиги, ташаббускорлиги, зукколиги ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги билан Зилола Тоштемирова биринчи ўринни қўлга киритди.

***Дилдора КАТТАЕВА,***
***кўрик-танловнинг Навоий шаҳар босқичи ғолиби:***

— Президентимиз ўз нутқларида онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб бўлмаслигини бот-бот таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган шахс ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўлни танлаб, ўзини кўрсата олади. ЎзМТДП томонидан ўтказиб келинаётган тадбирлар аҳоли барча қатламларининг миллий ўзликни англаши, маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан юксалишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган ушбу танловни алоҳида эътироф этишни хоҳлардим. Боиси унда иштирок этган хотин-қизлар ўзларини кўрсатиб, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан юксалишга интиладилар.

***Дилафрўз ЎРИНОВА,***
***кўрик-танловнинг Булунғур туман босқичи ғолиби:***

— Ушбу танлов сиёсий-ҳуқуқий билимларимни мустаҳкамлаш ва нотиқлик маҳоратимнинг ошишида муҳим аҳамият касб этди. Танловга тайёргарлик кўриш мобайнида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, Президентимиз асарлари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар билан танишдим ва ўз устимда ҳали кўп ишлашим лозимлигини ҳис қилдим.

***Мафтуна ЯҚУБОВА,***
***Фарғона шаҳар босқичи ғолиби, ЎзМТДП аъзоси:***

— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар барчамизни бирдек қувонтиради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этади. Унинг натижаси ўлароқ, аёллар давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўз иқтидорини намоён этишмоқда. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ҳам хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга кўмаклашиб келмоқда. Буни "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

***Зилола ТОШТЕМИРОВА,***
***кўрик-танловнинг Олтинкўл туман босқичи ғолиби:***

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам фаол иштирок этишга интилиши партия аъзоси сифатида бизни ҳам ташаббускорликка ундайди. ЎзМТДП томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танловдаги ютуғим ўз устимда янада кўпроқ ишлашим билан бирга партия дастурий вазифаларини халқ орасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этишимга туртки бўлди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда, - деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қашқадарё вилоят Бош бошқармаси ходими Беҳзод Мўминов. — Бу жараёнда мамлакатимиз банк-молия тизими томонидан қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган чора-тадбирлар соҳа тараққиётида янги имкониятлар очмоқда. Агар рақамларга мурожаат қилсак, вилоят тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган 5 йил давомида қарийб 820,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, ушбу давр ичида бу кўрсаткич қарийб 4 баробар ўсишига эришилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 149,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини молиялаштиришга эса 4,8 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар ўсишга эришилди.

Тадбирда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ҳамда ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни имтиёзли кредитлаш, партия электорати бўлган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўриш белгилаб қўйилган, - деди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Ҳайдаров. — Бу борада партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бўйича амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар мазкур лойиҳа асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Бухоро ҳамда Фарғона вилоятларида ўтказилган семинарларда 200 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 5 миллиард 104 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг тарғибот-ташвиқот материаллари, тижорат банклари хизматлари ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари билан танишдилар.

Тадбир доирасида қатор йўналишлар бўйича ташкил этилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

***Фарида ЖАББОРОВА,***
***ҳунарманд:***

— Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилик, касаначилик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш борасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан амалга оширилаётган амалий саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугунги тадбирда иштирок этиб, фаолиятимизни янада ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун имтиёзли кредитлар олиш борасида ҳамда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, соҳада яратилган имкониятлар бўйича маълумотлар олдик.

Ҳамкорлик



# Касаначилик ва оилавий тадбиркорлик

## субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш ва яқиндан таништириш мақсадида «BankExpo-2013» миллий кўргазмаси ўтказилди

* * *

Бугунги кунда мамлакатимиздаги молия-банк муассасалари томонидан оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП Марказий Кенгаши ҳамда Республика Марказий банки ҳамкорлигида Қизилтепа туманида ташкил қилинган "Обод турмуш — фаровон ҳаёт гарови" мавзусидаги тадбирда ҳам шу хусусида сўз борди. Жумладан, тижорат банклари томонидан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳага йўналтирилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Унда партия фаоллари, банк тизими мутасаддилари, тадбиркорлар, ҳунармандлар, коллеж битирувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши томонидан ташкил этилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Кўргазмани ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши депутати Анора Бобомуродова кириш сўзи билан очди. Нотиқ ҳудудда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини миллий ҳунармандчилик ва касаначилик соҳасига жалб этиш орқали бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тижорат банклари томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, яъни имтиёзли кредитлар ажратиш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мавжуд технологияларни янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Жумладан, Навоий вилоятида сўнгги беш йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 665,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Шундан 87,7 миллиард сўм миқдоридаги маблағ Қизилтепа туманидаги тижорат банклари улушига тўғри келади. Бунинг натижасида эса ҳудудда 7 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилган. Жорий йилда туман тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 1 млрд 165 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Тадбирда сўз олган Республика Марказий банки кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш департаменти ўринбосари Мухтор Шоназаров, Республика Саноат қурилиш банки бошқармаси бошлиғи Тўлқин Куйлиев, Республика Ипотека банкнинг иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Жасур Усмонов, Республика қишлоқ қурилиш банки жисмоний шахсларни кредитлаш бошқармаси бошлиғи Абдумажид Файзиев банклар томонидан имтиёзли кредит ажратиш тартиблари, улар учун яратилган шарт-шароитлар, соҳани такомиллаштиришга оид қонунлар, Президент Фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча бердилар.

Тадбир якунида тижорат банклари томонидан ҳунармандчиликни ривожлантириш ва оилавий тадбиркорликни бошлаш учун бизнес лойиҳаларини тақдим этган ёш оилалар вакиллари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилиб, экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда тижорат банкларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, юртимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур йўналишда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Банк-молия тизими ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини вилоят аҳолисига етказиш, уларни технология ва хизматлар билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика Марказий банки ва Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Bank Expo-2013 Termiz" миллий кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда соҳа ходимлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳага берилаётган имтиёз ва имкониятлар боис эришилаётган ютуқлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, вилоят тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 16 млрд. сўмдан зиёд, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 41 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини молиялаштиришга эса 3 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган бўлиб, бу кўрсатгич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўп демакдир. Қолаверса, ушбу соҳага йил якунига қадар 6 млрд сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилиши режалаштирилмоқда.

Кўргазмада сўзга чиққан ЎзМТДП фаоллари партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга эътибор қаратишди. Хусусан, оилавий бизнес, касаначилик ва миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ёш оилалар вакиллари, битирувчилар ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида таклиф этилган банк хизматлари бўйича маълумот ва маслаҳатлар беришди.

Тадбир сўнгида қатор лойиҳалар бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**Партия лойиҳаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Бухоро ҳамда Фарғона вилоятларида ўтказилган семинарларда 200 нафарга яқин ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 5 миллиард 104 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди.**

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Бандлик

# Оилавий қадриятлар

## касаначиликни ривожлантиришнинг асосий омили

***Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда бошқа тадбиркорлик субъектлари қаторида оилавий бизнес ҳам муҳим ўрин тутади. Тадбиркорлик фаолиятида касаначиликдан самарали фойдаланиш оила фаровонлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади. Шу боис, азалдан ворисийлик асосида шаклланган, оилавий қадриятлар, урф-одат, анъана ва сулолалар фаолиятига асосланган касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши туфайли турмушимиз обод ва фаровон бўлиб бормоқда.***

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш ва рағбатлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш масаласига ғоят катта эътибор берилаётгани диққатга сазовордир.

Таъкидланганидек, дарҳақиқат, 2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан касаначиликни ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, айниқса, ишчи кучлари ортиқча бўлган кичик туман, шаҳар ва қишлоқларда аҳолини меҳнат фаолиятига кенг жалб этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, халқ ва миллат фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Оилавий касаначиликни йўлга қўйиш ўтмишда унут бўлган касб-кор ва ҳунармандчилик сир-асрорларини янада чуқурроқ ўрганишга туртки бўлади. Бу жараёнда муайян касбни янада чуқурроқ ўрганиш баробарида шарқона урф-одат, меҳр-мурувват, сабр-тоқат, эзгулик, меҳнат, дўстлик, оилапарварлик, эл-юртга муҳаббат, миллатпарварлик фазилатлари шаклланиб, мустаҳкамланиб боради. Хусусан, бу жараёнга ёшларни фаол жалб этиш миллий касб ва ҳунармандчилик сирларини авлоддан-авлодга ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда касаначилик билан шуғулланувчиларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Масалан, ҳозир фарзанд тарбияси ёхуд уй юмушлари билан банд бўлган хотин-қизларимизга алоҳида имтиёзлар берилган. Бу эса уларнинг рўзғоридан узоқлашмай, касаначилик асосида меҳнат қилиши ва даромад орттиришида қўл келмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, фаолиятнинг бу тури билан шуғулланаётганларга меҳнат дафтарчаси очилиб, улар корхона ишчилари билан тенг ҳақ-ҳуқуқларга эга бўладилар. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, касаначилик ривожида Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

Истиқлол йилларида юртимизда ёш оилаларни кичик оилавий бизнесга жалб қилиш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди ва амалда татбиқ этилмоқда. Ён-атрофга бир қаранг, кейинги йилларда маҳалла гузарларида пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, тикиш цехлари, радиотелеаппаратураларни таъмирлаш устахоналари, новвойхона, сартарошхона, миллий ҳунармандчилик устахоналарининг ташкил этилаётганлиги қанчадан-қанча янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ҳар бир соҳада "устоз-шогирд" анъаналарининг йўлга қўйилаётгани асрлар давомида шаклланиб келган оилавий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очди.

Оилавий бизнес ва унинг бугунги кундаги турли кўринишлари аҳолининг, энг аввало, майда ҳунармандчилик, заргарлик ва каштачиликка бўлган эҳтиёжларини таъминлашда қўл келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари асосида касаначиликни ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашди. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган муддат оралиғида касаначилик асосида 190 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Дастури асосида жойларда оилавий касаначиликни йўлга қўйиш, улар учун керакли шарт-шароитлар яратиш, қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини жойларда тушунтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турли касаначилик фаолияти — зардўзлик, мисгарлик, тикув-бичув ишларини йўлга қўйишга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Касаначилик турларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш, мавжуд захираларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, шунингдек, касаначиларни буюртма ва хомашё билан ўз вақтида таъминлаш, уларга иш ҳақи тўланишини назорат қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш талаб этилади. Партия фаоллари касаначилик билан шуғулланувчи оила ва маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, ушбу соҳанинг ўзига хос жиҳатларини соҳа вакилларига тушунтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган "Касаначилик тўғрисида"ги Низом қоидалари билан яқиндан таништиришга эътибор қаратмоқдалар. Ушбу Низомга асосан нафақат саноат корхоналари, балки давлат муассасалари, ташкилотлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳам касаначилик асосида янги иш ўринлари очиш имкониятига эга. Касаначиликнинг иш берувчи учун ҳам, касаначи учун ҳам қулай томонлари жуда кўп. Касаначилар иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига асосан уй шароитида белгиланган меҳнат фаолияти билан шуғулланадилар. Уларнинг номига қонун талаблари асосида меҳнат дафтарчалари юритилади, шунингдек, иш стажини ҳисоблаш, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи қонуний асосда кафолатланган. Яна бир қулай томони, улар иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайдилар, касаначиларга бажарган ишига қараб ишбай ҳисобида ҳақ тўланади.

**Мамлакатимиз қонунчилигига кўра касаначилик меҳнатини ташкил қилишда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан 2014 йилнинг 1 январигача озод қилинган.**

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра касаначилик меҳнатини ташкил қилишда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар касаначилар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан 2014 йилнинг 1 январигача озод қилинган. Корхонанинг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажариш учун касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳоз ва инвентарлардан фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан озод қилинади. Шартнома асосида ишлаётган касаначилар иш билан банд аҳоли тоифасига киради.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда".

**Ваҳоб ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти ҳузуридаги Давлат**
**Бошқаруви академияси**
**бўлим бошлиғи**



(ЎзА) олган сурат.

Кўрик-танлов

***Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ўрта-махсус, касб ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи ўтказилди.***

# Ораста қизлар баҳси

Ўқувчи-қизларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларнинг бугунги эзгу ислоҳотлар ва долзарб муаммоларга фаол муносабатини шакллантириш мақсадида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган касб-ҳунар коллежлари қизларидан ташкил топган етакчи гуруҳ аъзолари иштирок этдилар.

Ҳар бир гуруҳ ўз чиқишида таълим олиш, дарсларни яхши ўзлаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, оиладаги соғлом ва носоғлом маънавий муҳитнинг бола онгига таъсири, бола тарбиясида маҳалла фаолларининг ролини кучайтириш каби мавзулар бўйича ўз билимларини намойиш этдилар. Шунингдек, коллежларда таҳсил олаётган қизларнинг эрта турмушга чиқиши ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ёш қизларнинг ўсмирлик давридаги руҳий ҳолати ва ўзаро муносабатларни таҳлил этиш, миллий қадриятлар, хонадонлар саришталиги каби мавзуларни ўз саҳна чиқишларида маҳорат билан очиб бердилар.

Иштирокчилар томонидан "Тенгдош-тенгдошга" мавзусида ёшлар ўртасидаги кийиниш ва тиббий маданият, интернетнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни, одам савдоси ва унинг оқибатлари ҳақидаги хабардорлик даражаси, оила муқаддаслиги, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича кенг, манзилли ва самарали тушунчалар берилди.

Тадбир сўнгида барча кўрик-танлов иштирокчилари ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Фарҳод НОРҚУЛОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Эътибор

# Болалар мусиқа ва санъат мактаблари

## санъатга меҳрию ҳурмати баланд ёшларни тарбияламоқда

***Юртимизда иқтидорлилар жуда кўп. Уларнинг барча соҳаларда, жумладан, санъат соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритаётгани халқимизнинг фахри, ғурури. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда ёш авлод иқтидори, истеъдодини камол топтириш, уларни миллий ҳамда жаҳон саньатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда болалар мусиқа ва саньат мактабларининг ўрни катта бўлмоқда.***

Юртбошимизнинг 2008 йилдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014-йилларга мўлжалланган давлат Дастури тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур давлат дастурига биноан қайта таъмирланиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилаётган бундай мактабларнинг сафи тобора кенгаймоқда. Улар эртамиз эгалари бўлган ёшларимизни маънан гўзаллик, баркамоллик ва нафосат олами сари етаклаб, истеъдодлари камол топишида қанот бўлмоқда. Бугунги кунда Жиззах вилоятида ҳам барча замонавий талабларга жавоб берадиган 17 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолият юритмоқда. Жиззах шаҳридаги 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам 2010 йил октябрь ойида қуриб, фойдаланишга топширилган. Барча қулайликларга эга, зарур жиҳозлар билан таъминланган мактабда фаолият юритадиган 9 та йўналиш 200 нафардан зиёд ўқувчилар ихтиёрида. Яратилаётган имкониятлар туфайли муассаса ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган "Болалик баҳори", "Мафтункор ранглар жилоси", "Янги авлод", "Санъат ғунчалари" каби турли фестивал ва кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. - Одатда, ёш ниҳол қуёш нуридан баҳра олиб, кўкка интилади. Атрофдагилар меҳру муҳаббати унинг бўйига бўй қўшилишига, кун келиб илдизлари мустаҳкам улкан дарахтга айланишига омил бўлади, -дейди мазкур муассаса директори Суннатилло Раимжонов. — Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилардаги ижодга бўлган ана шундай эзгу иштиёқни кучайтиришга, қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Дўстлик туманидаги 3-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам 150 қатновга мўлжалланиб, 2010 йилда тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилди. Замонавий, кўркам ва шинам бинога эга мактабнинг қай бир хонасига кирманг, улардан бебаҳо оҳанг, мумтоз мусиқа таралиб, жажжи қизалоқларнинг гўзал рақслари сизни нафосат олами сари етаклайди. Муассасанинг малакали мутахассислар билан таьминлангани таълим-тарбия сифатининг ошишига омил бўлмоқда. Фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, аньанавий хонандалик, хореография, театр актёрлиги каби тасвирий ва амалий санъатнинг 15 га яқин йўналишлари муассасага қатнаётган ўқувчиларнинг иқтидорли ва қобилиятларини юзага чиқаришга омил бўлмоқда. - Ўзбек миллий чолғу асбобларидан бири бўлган дутор торларидан тараладиган гўзал оҳанг, ўзгача сеҳр мени болалигимдан ўзига маҳлиё қилган, -дейди мактабнинг 3-синф ўқувчиси Юлдуз Мўминова. - Қадимий ва бой маданиятимиз гултожи, миллийлик нафаси уфуриб турган ўзбек халқ куйларини устозларим кўмагида маромига етказиб чалиш ва дутор сир-асрорларини чуқур ўрганишни ўз олдимга катта мақсад қилиб қўйганман. Қувонарлиси, мактабда Юлдуз сингари олдига шундай эзгу мақсадни қўйган кўплаб ёшларни учратиш мумкин.

Санъат ҳамиша инсонларни эзгулик, гўзаллик сари ундаб келгани айни ҳақиқат. Чунки унда халқнинг маданияти, бой тафаккури ва қадриятлари акс этади, миллатнинг маънавияти ҳам санъат билан янада улуғворлик касб этади. Санъатга меҳрию ҳурмати баланд ёшларни камол топтираётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ана шу эзгулик йўлида хизмат қилаверади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Давра суҳбати

# Ёшлар ташкилотлари фаоллиги ошмоқда

***Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, экспертлар, фаолияти ёшларга оид жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси А.Каримов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва мустақил фикрга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда фаолият юритаётган олти юз элликка яқин ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилоти соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ташкилотимизнинг вазифаси ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи баланд ёшлар билан ишлашдан иборат, - дейди Сирдарё вилоятидаги "Ҳилол" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Дилфуза Рейимбоева. — Ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлашишида кўмаклашиш, ҳуқуқий, иқтисодий билимини ошириш, банклардан кредит олишда ёрдамлашишга доир ўқув курслари, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этмоқдамиз.

Давра суҳбатида ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш, уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА**

Бадиий гимнастика



(ЎзА) олган суратлар.

# Жисмоний ва маънавий етуклик сари

***Баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бениҳоя катта. Мамлакатимизда спортни оммавийлаштириш, айниқса болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг моҳияти ҳам шунда.***

Бундай эътиборнинг самараси боис, кейинги йилларда жойларда замонавий спорт иншоотлари, мажмуалар ва спорт майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Мазкур масканларнинг зарур анжомлар билан таъминланганлиги минглаб ўғил-қизлар спортнинг барча турлари бўйича доимий шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан Навоий вилоятида ҳам бу борада эътирофли ишлар амалга оширилмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Айни пайтда вилоятда 310 та спорт зали, 13 та стадион, 30 та теннис корти, 339 та футбол, 486 та волейбол, 296 та баскетбол, 187 та қўл тўпи майдончаси ҳамда 15 та чўмилиш ҳавзаси фаолият юритмоқда.

Ўтган йилнинг май ойида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2012" спорт ўйинларининг республика босқичига айнан Навоий вилоятининг мезбонлик қилиши эса шаҳарнинг "Умид" қўрғонида жойлашган Олий спорт маҳорат мактабининг барпо этилишида муҳим аҳамият касб этди. Жами 5 миллиард 442 миллион сўм маблағ сарфланган мажмуа эндиликда навоийлик спортчи ёшларнинг севимли масканига айланди. Мазкур иншоотда жами 7 та спорт зали мавжуд бўлиб, болажонлар тажрибали мураббийлар кўмагида қиличбозлик, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, волейбол, оғир атлетика, бадиий ва спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланишмоқда. Айниқса бу ерда барпо этилган бадиий гимнастика залининг жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши, жиҳозларнинг замонавийлиги спортнинг бу нафис турига қизиқувчи қизлар сонининг кун сайин ортиб бораётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

— Бадиий гимнастика. Бу нафис спорт тури 1984 йилдан буён Олимпия ўйинлари таркибига киритилган. У бошқа йўналишларидан фарқли ўлароқ, мусиқа жўрлигида, гимнастика ва рақс ҳаракатлари уйғунлигида арғамчи, ҳалқа, тўп ёки тасма ёрдамида бажарилади, - дейди биз билан суҳбатда Гимнастика турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шаҳло Нарзиева. — Бадиий гимнастика машқларининг мусиқа садолари остида бажарилишида ўзига хос гўзаллик мужассам. Илгарилари фақат фортепиано ёки битта асбобда чалинган мусиқа ижро этилган бўлса, ҳозирда кўпроқ оркестр фонограммасидан фойдаланилади. Унинг бошқа йўналишлардан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, қизлар 3-5 ёшидан бошлаб мунтазам машғулотга қатнаши лозим. Бу ёшда бола организми ҳаракат ўзгарувчанлиги, мувофиқлигини ривожлантиришга мойил бўлади. Гимнастикачининг энг асосий сифати — бу кучли ирода, эпчил ва нафис ҳаракатлар намойишидир. Шунинг учун бўлса керак, бу йўналишда спортчининг ташқи кўринишига қаттиқ талаб қўйилади.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда спортнинг бадиий гимнастика турини оммалаштириш борасида эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда. Гимнастика турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан олинган маълумотга кўра, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, ҳатто энг чекка ҳудудларида ҳам бадиий гимнастика заллари ва гуруҳлари мавжуд бўлиб, ушбу спорт масканларида 800 дан ортиқ қизлар мунтазам шуғулланиш имкониятига эгадир.

Навоий шаҳрида таваллуд топган Ульяна Трофимова спортнинг бу тури билан 5 ёшидан бери шуғулланиб келади. Ҳозирда 23 ёшни қаршилаган Ульяна ўтган йиллар мобайнида тиришқоқлиги ва ўзига талабчанлиги боис қанчадан-қанча ютуқларни қўлга киритмади, дейсиз.

2002 йилда Москвада ўтказилган анъанавий «Олтин япроқлар» халқаро турнирида иштирок этиб, юниорлар ўртасида турнир ғолибаси бўлган гимнастикачи орадан кўп ўтмай, Польшада ўтказилган халқаро турнирда ҳам муваффақиятли иштирок этиб кумуш медални қўлга киритди ва юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 2004 йилда Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида кўпкураш баҳсларида бронза медалига сазовор бўлиб, булава машқлари бўйича Осиё чемпиони бўлди. 2005 йилда Исроилнинг Холон шаҳрида ўтказилган Халқаро Гран-При турнирида булава ва копток машқларида кумуш ҳамда бронза медали билан тақдирланди.

Ўз устида тинимсиз ишлаш, мунтазам машғулотлар унинг иродасини мустаҳкамлади ва ўзига ишончини орттирди. 2007 йилдан бошлаб Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий спортчиси сифатида иштирок эта бошлади. 2008-2009 йилларда бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон Республикасининг мутлоқ чемпиони бўлган мақоламиз қаҳрамони Франция, Россия, Испания, Исроил ва Украина давлатларида ўтказилган халқаро Гран-При ва Жаҳон кубоги босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳоннинг энг кучли 15 спортчиси сафига киритилди.

— Ҳар сафар нуфузли спорт мусобақаларида майдонга чиқаётиб онамнинг "Қизим, сен албатта чемпион бўласан! Бунинг учун ўзингга ишонсанг бас", деган сўзлари қулоғим остида жаранглайди дейди,- Ульяна.

Вилоятда бадиий гимнастика бўйича ўтказилаётган кўплаб халқаро мусобақаларда ва Ўзбекистон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғоналарига кўтарилган Ульяна Трофимованинг бундан кейин ҳам юртимиз байроғини юксакларга кўтаришига ишонамиз.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Истиқлол шукуҳи

# Келин-куёвнинг бутун ризқи



***Ватан манзаралари деганда киши кўз ўнгида пурвиқор тоғлар, дарё ва кўллар, мўл ҳосил тугиб ётган боғлар, олтинранг бошоқлари қуёш нурида товланаётган буғдойзор далалар намоён бўлади. Бир қарашда замонавий комбайнларда ўрилиб, хирмонга уюлаётган ғалланинг, деҳқон кафтига олиб, завқланиб томоша қилаётган буғдой донасининг ёки тегирмондан тортилиб чиқаётган унинг мўъжиза жойи йўқдай.***

Оддий бир экин, ер сифатли шудгор қилинса, уруғ вақтида сепилса, суви, ўғити меъёрида берилса, буғдой деганингиз шамолда чайқалиб, пишиб-етилаверади. Деҳқон ерга уруғ сочар экан, заҳматли меҳнати билан ўзининг, болаларининг ризқини яратади. Ёз адоғида бир дона буғдой бир сават нонга айланади.

Саратон тафтида пишиб етилган буғдой доналарига разм солинг, уларда инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, сизу бизнинг ҳаловатимиз, дастурхонимиз файзи, тўкинлиги, оиламиз фароғати, фарзандларимизнинг соғ-омонлиги мужассам десак, муболаға бўлмайди. Бу илоҳий неъмат, бу ризқ-насиба тинчлик-тотувлик, юрт ободлиги, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, саҳовату мурувват тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Нони бутун халқнинг гап ҳам бутун бўлади.

"Арпа, буғдой ош экан, олтин, кумуш тош экан,- дейди халқимиз. Далаларида буғдой ўсаётган юрт дастурхонидан файз-барака аримайди. Бу дунёда буғдой донасининг тупроққа бош қўйиб, аста-секин бўй чўзаётганини, ғалла ўрилаётганини, буғдой янчилаётганини, буғдой шопираётган деҳқонни, элеваторларнинг гуриллаб ишлаётганини томоша қилишдан ҳам завқли манзара бўлмаса керак. Тандирдан янги узилган нонннинг исини нимага қиёслаш мумкин? Ҳеч нимага! Нон иси она исига ўхшайди.

Нонни эъзозлаш, ушоғини ҳам исроф қилмаслик ёшлигимиздан қон-қонимизга, онг-шууримизга сингдирилган. Нон — кўнгил тўқлиги, тўкинчилик рамзи, нон — ҳамроҳ, олис сафарга отланган яқинимизнинг соғ-омон қайтиб келишига умид. Бу умид уйларимиз тўрида муқаддас тумордек осилиб туради.

Элда шундай удум бор — ош-нонига, дастурхон тузашига қараб оилага баҳо берилади. "Нони шириннинг кўнгли ширин, нони юмшоқнинг дили юмшоқ", дейишади. "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр", деган мақол ҳам бор.

Нон — азиз. Шу азиз неъматнинг мўллиги мамлакат ғалла омборларининг салмоғига боғлиқ. Уйда нон тугаб қолса, қўшнидан сўраш мумкин, бир кун — ярим кунга сабр қилиб турса ҳам бўлади. Аммо мамлакатда ғалла тугаб қолса-чи, элнинг тирикчилиги ўзига эмас, бошқа бировларга боғлиқ бўлиб қолса-чи? Бу энди миллатнинг оғир ташвиши.

Тўқсонинчи йиллар бошида биз айни шундай ташвишни бошимиздан кечирганмиз. Давлат омборларида мамлакат аҳолисини атиги икки-уч ҳафта таъминлашга етадиган буғдой қолган. Олий Кенгашнинг сессиясида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "...жуда оғир аҳволга тушиб, накд очарчилик остонасида турибмиз...", дегани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бировнинг бергани — кўргулик, меҳнатдан келгани — туйгулик, деганларидек, ҳаётнинг ўзи ғалла мустақиллигига эришмай туриб, истиқлолни мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Мўътадил дон таъминотига эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Аммо бу мақсаднинг рўёбга чиқиши осон кечмади. Осон кечмаслиги аввалдан маълум эди. Чунки бизга ғалла сотиб валюта ишлаётган мамлакатларгина эмас, мамлакат ичкарисидаги баъзи нуфузли мутасаддилар ҳам Ўзбекистон шароитида ғалла мустақиллигига эришишнинг истиқболи йўқ, яхшиси керакли донни қўшни мамлакатлардан сотиб олиш зарур, деган фикрда эдилар. Мамлакат раҳбариятининг қатъияти, аниқ ҳисоб-китоби туфайли бу улуғ мақсадга эришдик...

Яқинда никоҳ кечаларидан бирида қатнашиб, оила қураётган ёшларни самимий муборакбод этдим. Кўнглим бир нарсадан ёришиб кетди. Кечада икки ёшнинг турли ҳаётий ҳолатлардаги суратлари катта экранда намойиш этилди. Улардан бирида келин-куёв ўзларига бениҳоя ярашган миллий кийимда... тандирдан нон узмоқда эдилар. Саватдаги иссиқ нонга тикилиб турган ёшларнинг нигоҳларида олам-олам маъно. Сураткаш сўз билан таърифлаш қийин, маъно-мазмуни чуқур ва таъсирчан ҳолатни тасвирга туширган. "Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдай сўзинг бўлсин" деган мақол ёдга тушади. Бу сурат бугунги ёшларимизнинг буғдой нони ҳам, буғдай сўзи ҳам борлигини, келажаги буюк юртнинг муносиб ворислари сифатида ризқ-насибалари ҳам бутунлигини, эркин ва озод ҳаётнинг нондай азизлигини англатади. Биргина шу суратга тикилиб, истиқлолимизнинг йигирма иккинчи йилида кечаётган ҳаётимизни тўла тасаввур қилиш мумкин. Бундан анча йиллар аввал устоз Саид Аҳмад Бухорога лайлаклар қайтганини ички бир ғурур билан ёзган эди. Тандирдан нон узаётган келин-куёвларнинг сурати миллат ўзлигига, ўз ўзанига, миллий қадриятларига қайтганини англатади. Суратга қаранг, шундай эмасми?!

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

Тиббий хизмат

# Аҳоли саломатлиги — устувор мақсад

***Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.***

Тиббиётда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли Фарғона вилоятида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда Бу соҳадаги ишларни кенг қамровда олиб боришда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соҳа ривожи йўлида дастуриламал бўлмоқда.

— Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга кўра, жойларда ихтисослаштирилган шифо масканлари йўлга қўйилиб, ушбу муассасаларнинг жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикка аниқ ташхис қўйиш, беморни самарали муолажа усуллари ёрдамида даволаш имконини бераяпти, - дейди биз билан суҳбатда Қўқон шаҳар кўп тармоқли поликлиника бош шифокори Муҳаббат Тўраходжаева. — Айни кунда поликлиникамизда меҳнат қилаётган 184 нафар тиббиёт ходимларининг 64 нафарини олий тоифали шифокорлар ташкил қилади. 11 та оилавий поликлиника шаҳарнинг 231690 нафар аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз, она ва бола саломатлигини сақлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатликни сақлаш, оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ касалликларни камайтиришдан иборатдир. 2012 йилда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Бунинг учун аҳоли ўртасида учрашув, ўқув-семинар ҳамда мулоқотлар ўтказиб турибмиз. Чақалоқларга янада яқин муносабатда бўлиш ва кўкрак сути билан боқиш борасида мунтазам иш олиб бораяпмиз. Инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳамма нарсадан устун, азиз ҳисобланади. Шундай экан, бу эътибор ва ғамхўрликнинг барчаси инсон ва унинг бахту саодати учундир.

Соғлом авлодни дунёга келтириш, уни камол топтириш, энг аввало, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис мазкур масала тиббиёт соҳасидаги давлат дастурларида устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Муҳтарам Президентимиз илгари сурган "Соғлом она-соғлом бола" дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. Ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳолига биринчи навбатда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола саломатлигига эътиборли бўлиш талаб этилмоқда.



— Ўтган йиллар мобайнида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсли ишлар олиб борилди, - дейди Фурқат туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Одилжон Сайдаҳмедов. — Ҳозирги кунда тиббиёт бирлашмамиз бўйича 191 нафар малакали шифокор, 1198 нафар ўрта тиббиёт ходимлари 104457 нафар туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. 280 ўринли марказий шифохона, 15 та ҚВП, 1 та кўп тармоқли поликлиника, саломатлик маркази аҳоли хизматида. Туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича маълумотлар йиғиш, кундалик мониторинг ишларини олиб бориш билан мунтазам шуғулланамиз. Эрта турмушни олдини олиш, ОИТС, гиёҳвандлик, болалар ва қизлар гигиенаси ҳамда турли юқумли касалликлар ҳақида мактаб ва коллежларда давра суҳбати, учрашувлар ўтказиб турибмиз. 159 нафар ҳомиладор аёллар УТТ текширувидан ўтказилиб, тегишли тавсиялар берилди. 5 ёшгача бўлган 9840 нафар болалар полиомиелит касаллигига қарши эмланди. Тажрибали мутахассислар иштирокида учрашув, давра суҳбати ва тадбирлар ўтказилиб борилмоқда.

Айни кунда Учкўприк туманида 198 минг 813 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга малакали тиббиёт ходимлари ва бирлашма тасарруфидаги 1 та марказий шифохона, 21 та ҚВП сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани боис туманимизда ҳам тез тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш ҳамда ушбу йўналишдаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имкони яратилди - дейди биз билан суҳбатда туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Шу кунгача "Ғози ғиждон", "Янгиқишлоқ", "Чорбоғ", "Учкўприк" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги ҚВПлари капитал таъмирланиб, моддий-техник базаси яхшиланди. 53611 нафар туғиш ёшидаги аёллар тармоқ жадвали бўйича йил давомида тиббий кўрикдан ўтказилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайди. Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ана шундай фаоллик ва фидоийлик билан эл соғлиғини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

**Дилдора ЯДГОРАЛИЕВА**

Бизнинг шарҳ

# Анъанавий қадриятларни ҳимоя қилиш

**Консерваторлар партиясининг асосий ғоясидир**



*Колумбия конституциясига биноан мамлакатда кўппартиявийлик тизими амал қилади. Хусусан, ўтган йиллар давомида «Прогрессив куч» ҳаракати, Миллий тикланиш ҳаракати, “Колумбия жамоаси” сиёсий ҳаракати, Мустақил консерватизм каби сиёсий институтлар сайловлар ва бошқа турли тадбирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилаётганига қарамай, мамлакат ҳаётидаги кўплаб жиддий ўзгаришларга, туб бурилишлар ва сиёсий ислоҳотларнинг ўтказилишига Консерваторлар партиясининг ҳиссаси, иштироки, таъсири алоҳида аҳамиятга эга.*

1848 йилда расман ташкил топган Консерваторлар партиясини анъанавий партия, деб ҳам аташади. Тарихий маълумотларга кўра, ўшанда Консерваторлар унитар давлат тузилмаси тарафдорлари ва католик анъаналари ҳимоячиларини ўз қаноти остида бирлаштирган. Орадан бироз муддат ўтгач, анъанавий қадриятлар тарафдори бўлган партия мамлакатдаги яна бир йирик партия — Либералларнинг ўнг қаноти билан бирлашди. Натижада консерваторлар XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб ҳокимиятни бошқарди ва кичик танаффуслар билан 1930 йилга қадар ўз мавқеларини ушлаб туришга муваффақ бўлишди.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Колумбия консерваторларининг ғоявий доктринасига ўзгартириш киритилди. Консерваторлар ахлоқ, дин, оила ва хусусий мулк каби анъанавий қадриятларни ҳимоя қилишади. Шунингдек, улар ижтимоий характердаги чораларни қабул қилиш ва меҳнаткашларнинг даромадда улушга эга бўлишини талаб қила бошлашди. Консерватив партия вакили президент Белисарио Бетанкур Куартас (1982-1986) томонидан илгари сурилган ижтимоий адолат ғоялари, ривожланиш ва адолатли жамият тарафдори эканини таъкидларди.

1987 йилда партия Ижтимоий-консерватив партия номини олди. 1990 йилларда партия ҳамкорликда ҳаракат қилувчи фракцияларга бўлиниб кетди. Энг йирик фракция Ижтимоий-консерватив партия — 1997 йилдан бошлаб Колумбия Консерватив партия дея номлана бошлади. Улар 2002 йилдаги парламент сайловларида муносиб қатнашиб, Вакиллар палатасида 21 та, Сенатда эса 13 та ўринга эга бўлдилар.

Консерваторлар ўтган давр мобайнида мамлакат тараққиёти йўлида кўплаб ижтимоий-иқтисодий ташаббус ва таклифларни илгари суриб келди. Шулар қаторида маънавий ривожланиш масаласи ҳам партия диққат марказида бўлиб келган. Уларнинг фикрича, билимдонлик, тадбиркорлик, ўз мавқеи учун курашиш, замонга ҳамнафаслик дунё халқлари тафаккур тарзида муҳим ўрин тутади. Мазкур характер маҳсули ўлароқ, мамлакатнинг келгусида ривожланган давлатлар билан алоқалари янада яқинлашуви, юртнинг гуллаб-яшнаши га йўл очади.

Консерваторлар азалдан анъанавий қадриятлар тарафдори бўлиб келган. Партия фаолиятига назар ташласак, дунёда юз бераётган жараёнларга лоқайдлик, маънавий қадриятларни унутиш, кундалик ҳаёт билан яшаш, гиёҳвандлик, ҳаёсизликнинг турли кўринишлари, пул топишга интилиш ортидан ҳар қандай пасткашликдан қайтмаслик каби кўплаб иллатларга қарши кураш мақсадлари ётади. Агар бу борада доимий огоҳлик, ҳамжиҳатлик олиб борилмас экан, нафақат мамлакат балки, халқ ҳам маънавий таназзулга юз тутиши мумкин. Зеро, тамаддун ҳаётида маънавий ва маданий бузилишлар, иқтисодий таназзуллар, сиёсий можаролар, ҳуқуқий тазйиқлар ҳали-ҳануз давом этаркан, тафаккур, дунёқараш,инсон маънавияти ва ахлоқини тўғри шакллантириш масаласига катта эътибор билан қарашни талаб этади, деб ҳисоблайди партия вакиллари.

Колумбия Жанубий Америкадаги иқтисодий барқарор, узлуксиз ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Нефть, уран, зумрад каби табиий бойликлар ҳам мамлакат иқтисодини тиклашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Консерваторлар ҳам мамлакатдаги улкан иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда солиқларни камайтириш, эркин савдони ташкил этиш, иқтисодий ислоҳотларни кучайтирилган тартибда олиб бориш лозимлигини партия тарафдорлари таъкидлашади. Зеро, бунинг учун мамлакат улкан имконият ва шароитларга эга. Колумбия Жанубий Америка давлатлари орасида кофе экспорт қилиш бўйича дунёда Бразилиядан кейин 2-ўринда туради. Хорижга кофедан ташқари нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий моллар, улкан ҳажмдаги қора металлургия маҳсулотлари, зумрад чиқарилади. Айни пайтда мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар дастурида импортга эрк бериш, самарасиз давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хорижий сармоядорларни жалб этиш кўзда тутилган.

Колумбия ҳудуди жиҳатидан анчайин катта давлат саналади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 35 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Шу жиҳатдан ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, ерга эгалик ҳуқуқини шакллантириш, умуман мазкур соҳага муносабатни ўзгартириш ҳал қилувчи вазифалардан саналади. Буни ўз вақтида англаб етган консерваторлар партияси Латефундия ғоясини илгари сурган. Ҳукумат томонидан маъқулланиб, мамлакатда кенг миқёсда амалга оширилаётган мазкур лойиҳага кўра, йирик ер эгалигини ривожлантириш ва модернизациялаш ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Мамлакат ҳукумати томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунда айнан Консерваторлар томонидан илгари сурилган ғоя ва мақсадларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан бўлса керак, ҳозирга келиб Колумбия аҳолисининг қарийб 60 фоизи консерваторларни қўллаб-қувватлайди. Тадқиқотларга кўра, консерваторлар партияси электорати асосан зиёли инсонлар, ижтимоий фаол қатлам — тадбиркорлар, катта ёшли аҳолидан иборат ижтимоий консерваторлар саналади.

Партиянинг энг катта таянчи ва суянчиси сайловчилардир. Ўз навбатида бугунги шиддаткор даврда сайловчи ҳам бефарқ эмас. Улар тушунса-тушунмаса дуч келган қарорни маъқуллайдиган ёки турли партияларга хайрихоҳ бўладиган фуқаро эмас. У ижтимоий жиҳатдан анча фаол, сайловда, турли маърифий тадбирларда қатнашиш, фикр-мулоҳаза билдиришни ўзининг фуқаролик бурчи, деб ҳисоблайди. Жамиятда кечаётган жараёнларни кузатиш билангина қаноатланмайди. Иккинчи жиҳатдан Консерваторлар ҳар бир сиёсий ташкилот ўзаро рақобатда шаклланишини яхши англайди. Зеро, бугунги кунда партиялараро рақобатда аҳоли турли қатламлари орасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг самараси ва таъсирчанлигини ошириш имконияти мавжуд.

Бугунги кўппартиявийлик шароити ҳар бир сиёсий партиядан ўз ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишнинг янгича ва замонавий усулларини қўллаб, электорат ишончини қозонишни тақозо этади. Ҳар бир партия мустақил бўлиб, у фақат ўз аъзолари ва сайловчилари олдида жавоб беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларда юрт манфаати, инсон қадр-қиммати ва демократия учун кураш мақсади ётади.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**“Milliy tiklanish”**
**шарҳловчиси**

**Колумбия — Жанубий Американинг шимолий-ғарбида жойлашган давлат. Майдони 1141,7 минг км2. Аҳолиси 44 миллиондан зиёд. Пойтахти Богота шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 32 департамент ва пойтахт округига бўлинади. Давлат тузуми — унитар республика. Амалдаги конституция 1991 йил 4 июлда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. У умумий тўғри овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади. Иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни конгресс амалга оширади. Конгресс икки палата: сенат ва вакиллар палатасидан иборат. Ижрочи ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## Ёмғир тўхтамаяпти

**Канаданинг Торонто шаҳрида бир неча кундан буён ёғаётган ёмғирдан минглаб аҳоли азият чекмоқда.**



Ҳудудда оғир вазият вужудга келган бўлиб, айрим жойларда сув сатҳи икки метргача кўтарилган. Шосселар ва кичик кўчаларда транспорт ҳаракатлари вақтинча тўхтатилган, халқаро Пирсон аэропортида ўнлаб авиарейслар қолдирилган, ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Аҳолиси 2,6 миллиондан зиёд Торонтода қарийб 500 минг киши электр таъминотидан узилган. Синоптикларнинг маълумот беришича, бу ерда бир суткада 90 мм.гача ёмғир ёққан.

## Самолёт ҳалокатга учраган

**Яқинда Сан-Франциско аэропортига қўниш чоғида Жанубий Кореянинг Boeing-777 самолёти ҳалокатга учраган.**



Бортида 16 нафар экипаж аъзоси ва 291 нафар йўловчи билан парвозни амалга ошираётган самолёт қўниш йўлагига бир неча метр қолганда қулаган. Фожеа оқибатида икки киши вафот этган, 182 киши касалхонага ётқизилди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳалокатга учувчиларнинг тажрибасизлиги сабаб бўлган.

Ҳозир ушбу самолётни бошқарган ва мазкур парвозга алоқадор бошқа шахслар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда, Boeing-777 ҳалокати оқибатида етказилган зарар 120 миллион АҚШ долларни ташкил қилмоқда.

## Шифобахш ўсимлик савдоси

**Хитойда ўтказилган кимошди савдосида шифобахш женшень ўсимлигининг уч юз йиллик илдизи қарийб 450 минг АҚШ долларига сотилган.**



Маълумотларга кўра, узунлиги қарийб 2 метр, оғирлиги эса 400 грамм бўлган мазкур илдиз Чанбайшань тоғидан топилган. Экспертларнинг фикрича, женшендан табобат оламида кўп асрлардан буён дори сифатида фойдаланилади. У толиқиш, таносил, ичак ва асаб касалликларини даволаш учун ишлатилади. Ўтган йилги кимошди савдосида ҳам женшень ўсимлиги қарийб 400 минг АҚШ долларига сотилган.

## Электрон китоб оммалашмоқда

**Европада германиялик олимлар томонидан яратилган кўриш қобилияти пасайган кишиларга мўлжалланган овозли электрон китобга қизиқиш тобора кўпаймоқда.**



Электрон қурилманинг афзаллик жиҳатлари кўп. Хусусан, унда китоб ва газета ўқиш мумкин. Матнни мазкур электрон мослама хотирасига жойлаш учун газета ёки китоб қурилмадан 20-25 сантиметр узоқликда қўйишнинг ўзи кифоя. Мослама эса матнни кўчириб, ифодали ўқиб беради. Хабарларга кўра, бундай овозли электрон китобнинг афзаллиги шундаки, китобхон ўқиш тезлигини ўзи бошқаради.

*Хориж хабарлари асосида*
*Севара СУЛТОНОВА тайёрлади*

Рангин дунё

# Афина миллий археология музейи

*Греция (пойтахти Афина, ҳудуди 131957 км2, аҳолиси 11 миллиондан зиёд) Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролининг жанубий қисми ва Эгей, Иония, Ўртаер денгизи оролларида жойлашган давлат. Афина мамлакатни ягона давлатга бирлаштирган кўҳна ва афсонавий шаҳардир. Қадимги грек санъати ва маданияти айнан шу ердан бошланади.*

Афсонавий шаҳар тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Афиналикларнинг ҳисоблашича, унга шоҳ Кекроп асос солган. Кейинчалик шаҳарга Посейдон амри билан Афина маъбудасининг номи берилади. Унгача шаҳар Кекропия деб номланарди. Бироқ, Аттика бутунлай унинг измида бўлмаган. Ўшанда ҳудуд 12 та алоҳида давлатдан таркиб топган эди. Афина қадимги грек шаҳарларига хос равишда сарой услубида қурилган. Бундай саройлар Акрополнинг энг юқори қисмида, ғарбий ва жанубий қоялар устида барпо этиларди. Шаҳарнинг қуйи қисми Пелагрика деб номланган. Айтишларича, бу ном пелаг халқи номидан олинган. Греклар шаҳар деворларини айнан шулар кўтарган, деб ҳисоблайди.

Бора-бора Акропол атрофидаги тепалик ва текисликларда аҳоли яшайдиган турар-жойлар ҳосил бўлади ва Кекропия ҳукмдорлари секин-асталик билан Аттика ҳудудидаги 12 шаҳарни ўзига бўйсундиради. Тарихий манбаларда келтирилишича, Афинани бирлаштиришда Тесей исмли халқ қаҳрамонининг хизмати катта бўлган. Ўшанда Тесей 12 шаҳар ҳукмдорини тахтдан ағдариб, Афинада ягона Кенгаш тузади. Кенгаш аъзолари муқаддас олов атрофида ўтириб, юрт ғамини ейди. Ўша кундан бошлаб, муқаддас олов грекларнинг миллий рамзига айланади.

Шаҳар қуруқ афсоналардан бунёд бўлмаган, албатта. Афина миллий археология музейи шаҳар тарихи ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш имконини беради. Музейда Қадимги Греция санъатига оид ноёб асарлар (неолит асридан рим давригача) яхши сақланган. Музей жойлашган бино 1880 йили архитектор Ланге томонидан неоклассик услубда қурилган. Бино катта яшил хиёбон бағрида жойлашган бўлиб, уни тўртта ионик устун ушлаб туради. Кўпчиликка маълум ва машҳур грек ҳайкаллари музейга ўзгача зеб беради, десак муболаға бўлмайди. Мутахассисларнинг фикрича, музей экспозициялари орасида Микен Грецияси (эрамизга қадар II минг йиллик) даврига оид ашёлар ўта ноёб ҳисобланади. Уларнинг каттагина қисми музей залларида намойишга қўйилган бўлиб, 1876 йили Генрих Шлиман томонидан топилган. У турли хил рўзғор буюмларидан ташқари, бир пайтлар шаҳар оқсоқоллари ўтирган



думалоқ тош ўриндиқни топади. Бундай ўриндиқда ўтирган оқсоқоллар ўзаро кенгашиб, бирор низоли масала юзасидан ҳукм чиқарганлар. Бундан ташқари, Микен ҳудудидан тўққизта дахма топилган. Унинг ичидан эса ўта ноёб қимматбаҳо буюмлар чиққан. Микен ҳудудида олиб борилган кейинги қазишмалар чоғида ҳам қимматбаҳо ашёлар топилган. Уларнинг орасида сузаётган ўрдак қиёфасидаги антиқа биллур идиш бор. Музейда Греция-нинг бошқа бир қисмидан топилган буюмларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, Спарта яқинидан олиб келинган думалоқ тош, дахмадан чиққан иккита олтин жом ўзининг антиқа рельеф тасвирлари билан ажралиб туради. Уларнинг бирида ёввойи ҳўкиз ови жонли тарзда тасвирланган.

Афина археологик музейи эрамизга қадар VII-VI асрларга оид архаик ҳайкалтарошлик намуналарига ҳам бой. Фақат шу ердагина қадимги грек санъатининг ўзига хос ривожланиш даври билан танишиш мумкин. Айниқса, Суниондан топилган улкан курос ҳайкали бунга мисол бўла олади. Музейда архаик даврга хос асарлар ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бундай асарлар сирасига Аристионнинг улкан қабр тошида акс этган қадимги грек жангчиси стеласи киради. Мазкур стела ҳайкалтарош Аристокл томонидан ишланган. Шунингдек, музейда бронзадан ишланган бир қанча эътиборга молик ҳайкаллар ҳам учрайди. Ўша даврларда бронза етарли даражада қадр топмаган. Шу боис, музейда бронзадан ишланган ҳайкаллар ниҳоятда саноқли. Нақадар ажабланарли туюлса-да, музей хазинасидаги аксарият бронза буюмлар денгиз тубидан олиб чиқилган. Буни қарангки, денгиз суви метални ердан кўра яхшироқ сақлаб берган.

Музейнинг бронза ҳайкаллари орасида денгиз маъбуди - Посейдон ҳайкалига тенг келадигани йўқ. Ҳайкал 1928 йили Артемисион тепалигидан топилган бўлиб, маъбуд ҳужумкор қиёфада тасвирланган. Бундан ташқари, музей экспозицияларида мармардан ишланган ҳайкалларга ҳам кенг ўрин берилган. Классик даврга хос қабртошлар ичида Гегесо ва Пирей стеласи ўзининг мукаммаллиги билан устун туради. Миллий археология музейининг иккинчи қавати каттагина коллекциядан иборат грек керамикаси учун ажратилган. Бу ердаги улкан, геометрик кўринишга эга идишлар Дипилон дарвозаси атрофидаги некрополдан топилган бўлиб, ноёбликда Аттика ва Эгей денгизи оролларидан топилган буюмлардан сира қолишмайди.

**Зафар МУҲАММАД**

**Эълон**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**
**2013 йил 15 август куни бошланғич нархи**
**босқичма-босқич ўсиб бориш**
**тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45 уйда жойлашган «O‘ZBEKENGILSANOAT» ДАК «ISHLAR BOSHQARMASI» УК балансидаги 2004й. и/ч, д/р 01/181DCA, бошланғич нархи 10 729 632 сўм бўлган «Нексия» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, «ТТЗ-1» даҳаси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек саноат касб ҳунар коллежи балансидаги 2002й. и/ч, д/р 01/126OCA, бошланғич нархи 16 463 249 сўм бўлган «Опель Омега» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи микдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули микдори сотиб олиш тўлови микдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган такдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар накд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 27 июнь куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, Тошкент тиббиёт академияси балансидаги д/р 10AD828 бўлган «Дамас» — 4 000 000 сўмга ва д/р 01/984DCA бўлган «Дамас» — 8 100 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

## Маданият хабарлари

### Ёшлар шодиёнаси

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари, фаол ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, бандликни таъминлаш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Миллий боғда бўлиб ўтган тадбир доирасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танлови ғолиблари ҳам тақдирланди. Ўрта махсус таълим муассасалари ўртасида Тошкент иқтисодиёт коллежининг бошланғич ташкилоти биринчи ўринга сазовор бўлди.

### Ёз — ўтмоқда соз

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Автомобилчи” оромгоҳида бир сменада қарийб 450 нафар ўғил-қиз дам олмоқда.**

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар туман бўлимлари, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, Ўзбекистон тарихи давлат музейи вакиллари оромгоҳда болалар учун катта байрам дастури намойиш этди ва уларга совғалар улашди. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Ўғил-қизлар Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондининг оромгоҳда намойиш этилган экспозициялари билан танишиб, миниатюра санъати бўйича маҳорат сабоқларида, маданий мулоқот маърузаларида иштирок этди. Тадбирда Ватанимиз мустақиллиги, эркинлиги ва фаровонлиги, тинч ва осуда ҳаётимиз, миллий қадриятларимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар янгради.

**ЎзА**

### Битирувчилар кўргазмаси

**Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг анъанавий диплом ишлари кўргазмаси ўтказилди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган мактаб-студияда таҳсил олганлар ёши ва тажриба даражасига қарамай фотосанъатнинг серқирра ва қизиқарли оламини кашф этиш имкониятига эга бўлишди. Мазкур кўргазмада портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби жанрларда турли касб эгалари бўлган 16 иштирокчининг услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хил 130 га яқин ишлари намойиш этиш учун қўйилди. Уларда битирувчиларнинг дунёни, ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини англаш ва кўриши, ижодий нафасини кўрамиз. Ўзбек маданиятига оид қатор ишлари билан қатнашган кореялик битирувчи Сюн Кван Гю “Тўй оши” ва бошқа кўплаб асарлари ҳақида ўзбек тилида тўлқинланиб гапирди. Шуни айтиш жоизки, мазкур кўргазма битирувчиларнинг ақсарияти учун дебют, ўзига хос ижодий имтиҳон бўлди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Миллий мерос






# Майдонга мардлар тушди

***Обод турмушимизга байрамлар ярашади. Байрамларки, унда халқимизнинг бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга, дориломон кунларга бўлган шукроналик туйғуси йўғрилган.***

Эрта тонгдан Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида янграган карнай-сурнай садоси бу ерга ташриф буюрган шаҳар аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларининг кўнглини хушнуд этди. “Обод турмуш йили”га бағишлаб ташкил қилинган “Майдон томошалари санъати республика телефестивали”нинг айнан шу ерда ўтказилиши боққа янада кўрк бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканали давлат унитар корхонаси ҳамда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган фестивал давомида Республика “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан кўргазма ташкил қилиниб, унда халқ ҳунармандчилиги намуналари намойишга қўйилди.

— Ушбу фестивалнинг полвону дорбозларга қандай фойдаси бор, деган савол туғилиши табиий, - дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, полвон Турсун Али Муҳаммад. — Биринчидан ҳар бир артист, дорбоз ўзини халққа кўрсатишни истайди. Иккинчидан, фарзандларимиз, набираларимиз келиб бир-бирини кўриб, танишиб, ўртоқ бўлаяпти. Фестиваль баҳона ёшларимизда “У қилган ишни мен қилолмайманми” деган ҳавас уйғониб, шунга қараб янада ўз устида ишлаб, катта ютуқларга эришишга интилишмоқда. Бугунги фестивалнинг тез-тез ўтказилиб турилиши анъанавий томошаларнинг янада ривожланишига туртки бўлади.

— Неча йиллар давомида ўрганган машқларни бугун халққа намойиш этдим, - дейди 26 ёшли бухоролик Баҳодир полвон. — 13 йилдан бери тош кўтариб давраларда ўйнаяпман. Отам Жаҳонгир полвоннинг тошларини ташиб полвон бўлдим. Ҳар бир тош 36 кг.дан. Одамлар полвоннинг ўйинини кўриб ҳайратланади-ю, тоши енгил бўлиши мумкин, деган шубҳага боришади. Шу боис уларнинг ўзига тошларни текширтириб олдим. Ўзим яхши кўрган 170 кг.лик тошни бир қўл билан кўтардим. Бу рекорд ўйин, ҳали ҳеч ким қилмаган. Қорақалпоғистон ва Сармишсойда бўлган “Асрлар садоси” фестивалида қатнашиб, чиройли ўйинлар кўрсатдик. Охирги ўйинимни кўрдингиз, 10 та 30 кг. тош ва ломни занжир билан қўшиб ҳисоблаганда 350 кг. бўлади.

Биз устозодалар сулоласиданмиз. Отамиз Устоз Жаҳонгир полвон 56 ёшда. 51 йилдан бери полвонлик қилади. Полвоннинг кичик ўғлиман. Акам Жавоҳир ҳам полвон. Отамга ҳавас қилиб полвон бўлдик. 6-7 ёшимизда ёстиқларни елка билан уриб машқ қилардик. Полвонлик қийин касб. Аммо халқ олқишлаганда ҳаммаси унутилади. Чиройли ўйинлар қилсак, халқ меҳр билан олқишлайди. Бундан ортиқ бахт йўқ биз учун.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг 12-13 апрель кунлари Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида фестивалнинг биринчи босқичи, 10-11 май кунлари эса Самарқанд шаҳридаги “Ёшлик” маданият ва истироҳат боғида фестивалнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтган эди. Телефестивалнинг биринчи босқичида Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятларидан жами 147 нафар томоша санъати вакиллари ўзларининг қизиқарли репертуарлари билан қатнашган бўлса, якуний босқичда уларнинг сони 226 нафарни ташкил этди. Бу юртдошларимиз ва санъат аҳлининг мазкур фестивалга бўлган қизиқиши йил сайин ошиб бораётганидан дарак беради.

Якуний босқичда 11 та дорбозлик, 5 та анъанавий цирк санъати жамоалари, 1 та халқ қўғирчоқ театри ва 10 та миллий карнай-сурнай гуруҳларидан 226 нафар иштирокчи ўз томоша дастурларини халққа намойиш этишди.

Халқ ижоди жуда қизиқ ва таъсирчан бўлади. Фестивалда миллий дорбозлик жамоалари, катта дор ва сим дор ўйинлари, ёғоч оёқ, анъанавий цирк усталари, полвонлик маҳорати, миллий созлардан ташкил топган карнай-сурнай ижрочилиги ва бошқа кўпгина майдон томошаларидан иборат чиқишлар томошабинларнинг самимий олқишига сазовор бўлди. Уларнинг юракни ҳам қўрқувга, ҳам ҳаяжонга соладиган ўйинларини кўриб, инсон қалби жунбушга келади.

— Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, - дейди 71 ёшли дорбоз, полвон, чўп оёқ устаси, фотосуратчи, акробат ва ҳайдовчи Тўрабой Эшчонов. — 1972 йилда Тошкент жисмоний тарбия институтини битиргач, 15 йил давомида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишладим. “Чўп оёқ”да юришни бухоролик Қосим дорбоздан ўрганганман. У киши 93 ёшида вафот этган бўлса, шу ёшигача дорда ўйнаган. Қўлимдаги қосқон ундан ёдгорлик.

Дорбозлик санъатини тиклаш, майдон томошалари билан шуғулланадиган ижодкорлар фаолиятини яхшилаш ва устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш, ҳамда ёшларнинг халқ ўйинларига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ташкил этилиб, халқимизга кўтаринки кайфият бағишлаган “Майдон томошалари санъати республика телефестивали” ниҳоясида ҳар бир қатнашчига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик марказининг махсус гувоҳнома ва дипломлари топширилди.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
*муаллиф олган суратлар*

## Жаҳон чемпионати

# Кучли саккизликдамиз

***Аҳмаджон Мусаев мураббийлигидаги ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида дунёнинг кучли саккиз жамоаси қаторидан ўрин олганда қалбларимиз олам-олам қувончга тўлди. Юртимиз номини, ўзбек футболи довруғини жаҳонга ёйган шундай шижоатли ёшларимиз вояга етганидан ғурурландик. Шундай фарзандларни тарбиялаган ота-оналар, мураббийлар, юртимиз фидойилари олдида ҳамон қўлимиз кўксимизда.***




Биз ёшлар терма жамоалари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки улар футболдаги орзуларимизни рўёбга чиқариб, жаҳон чемпионати сари йўл очишди. Биринчи уринишда ҳисобларига бирон очко ёзишмаган бўлишса ҳам бизни жаҳон чемпионати ҳавосидан баҳраманд этишди. Иккинчи уринишда чиройли ўйин намойиш қилишиб, футбол мутахассислари назарига тушишди, дастлабки очкони қўлга киритишди. Ниҳоят, учинчи уринишда Янги Зеландия ёшларини ажойиб тарзда доғда қолдиришди (3:1), уругвайликлар билан дуранг ўйнашди (1:1), нимчорак финалда Европа вице-чемпиони грециялик тенгқурларини мағлубиятга учратишди (3:1). Бу ўзбек футболининг ёрқин янги саҳифаларидир!

Чорак финал ўйинидан ҳам умидимиз катта эди. Чунки истиқлол йилларида футболни ривожлантиришга, болалар спортини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётгани учун янги ғалабаларни ишонч билан кутишга кўникиб қолганмиз. 12-Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг оламшумул ғалабаси, қитъамизнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматовнинг жаҳон чемпионати очилиши маросимидаги учрашувни бошқариши, ўсмирларимизнинг дунёнинг кучли саккиз терма жамоаси қаторига кириши бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишларимизнинг дастлабки самаралари, холос.

Ҳолбуки барчамиз билардик, жаҳон майдонида турмоқ осон эмас. Кечагина «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинларида ўз вилоятлари шарафини муносиб ҳимоя қилган, эндиликда миллий чемпионатимизда қатнашаётган клубларда ўз ўрнини топиб бораётган ёшларимизга Европа футболи ҳавосидан нафас олган, «Кўҳна қитъа»нинг кучли клубларида тўп сураётган франциялик ёшларга қарши туриш осон бўлмади. Бунинг устига марказий ҳимоячиларимиз Сардор Раҳмонов, Бобурбек Йўлдошев, асосий ярим ҳимоячимиз Жамшид Искандеров турли сабабларга кўра майдонга туша олмади. Барибир йигитларимизга раҳмат! Ярим соат давомида францияликларнинг кетма-кет ҳужумларини бартараф этиб туришди. Кейин 31,35,43 ва 64-дақиқаларда бу ҳужумларни бартараф этишнинг иложи топилмади. Бироқ бу муваффақиятсизлик жаҳон чемпионатининг чорак финалида рўй бергани учун дилимизни ғаш қилса ҳам кўнглимизга оғир ботмади. Чунки бу чемпионатга Бразилия, Аргентина, Италия каби давлатларнинг ёшлари ҳатто йўлланмани ҳам қўлга кирита олишмади, Англия, Португалия, Хорватия сингари давлатларнинг ёшлари эса чорак финалгача йўлда қолди. Бизнинг ёшларимиз эса жаҳон чемпионати кучли саккизлигига дадил қадам ташлади.

Ҳа, жаҳон миқёсида юртимиз футболи довруғини ошириш учун дадил қадам ташламоқдамиз. Ҳали бу қадамлар ғалабали бўлади. Бунга истиқлол туфайли кашф этилаётган янги-янги истеъдодларимиз эришади. Ҳали жаҳон чемпиони бўлиш учун Франция, Бразилия, Аргентина, Италия, Испания терма жамоалари билан ҳам тўқнаш келамиз ва албатта, ғалаба қозонамиз. Чунки танимизда ота-боболаримизнинг ғолиблик қони оқмоқда, ёшларимизнинг баркамол вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган ва олдимизга юксак мақсадларни қўйганмиз. Олдига юксак мақсадларни қўйганларнинг эса ниятлари рўёбга чиқади. Бунинг учун ҳар биримиз олий мақсад, Ватанимиз тараққиёти йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишимиз, фидойилик билан ҳаракат қилишимиз керак.

**Асрор МЎМИН**

## ҲИКМАТ

***Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмағай.***

Алишер Навоий

***Қулоқдан дилингга гар кирмаса нур,***
***Сичқон кавагидан не фарқи бўлур.***

Абдураҳмон Жомий

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Узум

**Унинг таркибида 150 дан ортиқ биологик фаол моддалар, 20 фоизгача қанд, оқсил, ёғ, шунингдек, органик кислоталар, турли дармондорилар бор.**



Асосий хусусиятларидан яна бири — таркибида кислоталарнинг кўплигидир. Улар нафас олиш йўлларини енгил қитиқлайди, шу сабабли балғам кўчишини осонлаштиради ва йўтални юмшатади. Бундан ташқари, модда алмашинувини яхшилайди, танадаги пешоб кислотасини ҳайдашга ёрдам беради, бузилган мижозни мўътадиллаштиради. Қора сафрони ҳайдайди. Кўкрак соҳаси аъзолари фаолиятини яхшилайди. Узум шарбати кам қувват беморларга дармон бўлади. Бироқ, қандли диабетга чалинган беморлар учун тавсия этилмайди. Мева турли минерал тузларга ҳам бой. Унда калий кўп миқдорда учрайди. Шу сабабли юрак-ишемик касалликлари профилактикасида қўл келади. Шунингдек, узум ва унинг шарбати камқон аёллар учун кони фойдадир. Узум ғўраси эса ошқозонда йиғилган шилимшиқликни бартараф этади, ошқозон, жигар ва бошқа аъзолар фаолиятини кучайтиради, чанқоқни босади.

## БИЛАСИЗМИ?

Вольтер бир вақтнинг ўзида бир нечта асарни ёзиш қобилиятига эга бўлган. У нима ҳақда ёзишни олдиндан билмасди. Шу боис, кайфиятига қараб столида ётган қўлёзмаларни (трагедия, роман, поэма) ёзишда давом этган.

* * *

Газетада парчаларга бўлиб нашр қилинган биринчи асар “Робинзон Крузо” бўлган. Асарнинг илк ўқувчилари 1719 йилнинг 7 октябридан 1720 йилнинг 17 октябригача Робинзон Крузо саргузаштларини катта қизиқиш билан кузатиб борганлар.

## ТУРФА ОЛАМ

# Экологик боғча

**ЯПОНИЯНИНГ ХИРОСИМА ШАҲРИДА ИШ БОШЛАГАН БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ТАБИИЙ МАҲСУЛОТЛАРДАН БУНЁД ЭТИЛГАН.**



Ёғочдан қурилган боғчанинг ҳар бир хонаси кенг ва шинам бўлиб, оддий боғчалардан фарқ қилади. Боғча қурилишида фақат экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланилган. Унинг ташқи кўриниши бир қарашда номаълум учар жисмларга ҳам ўхшаб кетади. Футуристик услубда бунёд этилган бино нафақат тарбияланувчилар, балки ўтган-кетганнинг ҳам кўзини қувнатиши тайин. Япон мутахассисларининг таъкидлашича, бундай боғчани қуришдан кўзланган ягона мақсад болаларда табиатга бўлган меҳрни оширишдан иборатдир.

# Муз устидаги кўприк

**АВСТРИЯДАГИ ЭНГ БАЛАНД ОСМА КЎПРИК ДАХШТАЙН МУЗЛИГИ УСТИГА ҚУРИЛДИ.**



Манбада келтирилишича, бу ердан туриб Альп тоғи манзараларини бошдан-оёқ томоша қилиш мумкин. Кўприкнинг узунлиги 100 метр бўлиб, 14 та зинапоя ва баландлиги 400 метрли ойнаванд томоша майдончасидан иборат. Ҳозирда сайёҳлар Дахштайн музлигига айнан шу кўприк орқали чиқишлари мумкин. Мутахассисларнинг гапига қараганда, кўприк сайёҳлар сонини оширибгина қолмай, уларга таклиф этилаётган хизмат турларининг кўпайишига ҳам хизмат қилади.

**Зафар МУҲАММАД**

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Дилбар Бекчоновага акаси

**Шарифбой БЕКЧОНОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 719, Адади — 6201. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Исмат ХУДОЁРОВ
**Навбатчи:** Дилфуза РЎЗИЕВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5